



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

НУРОНИЙЛАР МАСКАНИДА "УЧ АВЛОД" УЧРАШУВИ

Ўзбекистон туманининг "Сулаймон" маҳалласида Нуронийлар маскани фойдаланишга топширилди. Унинг очилиш маросими доирасида "Уч авлод" учрашуви ташкил этилди.



Мазкур кўркем маскани маҳаллий тадбиркор Мираҳмад Акбаров ўз маблағи ҳисобидан бунёд этди. – Марҳум отам маҳалла нуронийлари дийдорлашадиган, бир пилёла чой баҳонасида хордиқ чиқарадиган бино қурилишини истарди. Унинг ниятини

амалга ошириш учун ҳаракат қилдим. Энди бу ерда ёши улуғ инсонлар маданий дам олишлари, қолаверса, ижтимоий масалаларга доир тадбирларни ўтказиш мумкин, – дейди Мираҳмад Акбаров. "Уч авлод" учрашувида қатнашган

вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров тадбиркорга миннатдорчилик билдирди. "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" тамойили асосида "Сулаймон" маҳалласида нуронийларнинг маслаҳатлари, ташаббускор тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан ибратли ишлар амалга оширилганини мамнуният билан айтиб ўтди.

Сўнгра вилоятимиз раҳбари келажак авлодларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати тўғрисида айтиб ўтди. Ташаббускор ёшларга катта имкониятлар яратилаётгани, уларнинг истиқболли лойиҳалари ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани тилга олинди.

Айтиб ўтилганидек, деҳқончилик қилиш ёки уй-жой қуриш истаги борларга субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Албатта, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларида нуронийларнинг алоҳида ўрни бор. "Уч авлод" учрашуви катта ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонларнинг иштирокида ўтаётганини ҳам миллий қадриятимиз анъанаси, ҳам тарбия тадбири сифатида қайд этиш мумкин. Шу каби учрашувлар ёшларни бир-бирига меҳр-оқибатли, она юртига садоқатли инсонлар бўлишга ундайди.

(Вилоят ҳоқимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).



Эрон президентининг ҳалокати: бирламчи мулоҳазалар



Дастлабки тахминларга кўра, кучли туман, ёмғир ва тоғли ҳудуд туфайли вертолёт "қийин кўниш"ни амалга ошириши оқибатида ҳалокатга учраган. Бироқ... дунё мамлакатлари расмийлари, дипломатлар, сиёсатшунослар, турли омвий ахборот воситалари содир бўлган воқеани нафақат бахтсиз ҳодиса, балки техник носозлик ва суиқасд версияларини тахмин қилмоқда.

Ўзбекистонлик сиёсатшунос Камолiddин РАБИМОВ Эрондаги авиаҳалокат Яқин Шарқдаги кескин вазият фонида қасддан уюштирилган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлар нима учун асоссиз экани борасида сўз юритди.

Эрон Ислмо Республикаси президенти Иброҳим Раисий бошчилигидаги давлат делегацияси кўшни Озарбайжонга борган эди. Расмийлар давлат аҳамиятидаги йирик келишувларни муваффақиятли якунлаб, қайтиш жараёнида авиаҳалокатга учраган. Президент кортежи учта вертолётдан иборат бўлган. Қолган икки вертолёт манзилга етиб борган, фақатгина Иброҳим Раисий ўтирган вертолёт ҳалокатга учраган. Унда жами 9 киши бўлган.

Иброҳим Раисий 1960 йилда Эроннинг диний муқаддас шаҳарларидан бири Машҳадда, диний олимлар оиласида дунёга келган. У мутахассислиги бўйича юрист бўлган. 2021 йилда

президент бўлиб сайланишидан олдин, мамлакатнинг суд ҳоқимиятида раҳбарлик қилиб келган.

Эрон – геосиёсий жуда муҳим давлатлардан бири. 1979 йилда ислом инқилоби амалга оширилган, Эрон Ислмо Республикасининг АҚШ бошчилигидаги коллектив ғарб давлатлари билан муносабатлари жуда зиддиятли ёки салбий даражада бўлиб келяпти. Кўшма штаблар билан ҳалига қадар тўғридан-тўғри дипломатик алоқаларга эга эмас.

Американинг Яқин Шарқдаги энг яқин иттифоқчиси Исроил эса Эронни ўзи учун дунёдаги энг катта душман деб билади. Эрон ҳам Исроилни "Фаластин ҳудудларини босиб олган

Омвий ахборот воситалари ва расмий манбалар хабар берганидек, 19 май кунги Эрон президенти Иброҳим Раисий бўлган вертолёт пойтахт Техрондан 600 километр шимоли-ғарбда, Озарбайжон билан чегарада жойлашган Жўлфа шаҳри яқинида ҳалокатга учради ва барча йўловчилар, шу жумладан, ташқи ишлар вазири Хусайн Амир Абдуллоҳиён, Шарқий Озарбайжон вилояти губернатори Малик Раҳмати, Табриз имоми Муҳаммад Али Але Ҳошем, экипаж аъзолари ҳалок бўлди.

БОЛАНГИЗ

Бувижонимнинг алласи ёдимда.

Мен сени аллолар қилай, қаро кўзим алла-ё, ўқитиб муллолар қилай, ширин сўзим алла.

ҚАЙСИ ҚЎШИҚНИ КУЙЛАЯПТИ?!

ҚЎШИҚНИ КУЙЛАЯПТИ?!

Очиқ, аммо аччиқ гаплар



Халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бой. Алланинг муаллифи ҳам оналарнинг ўзларидир. Улар бор орзу-истакларини фарзанднинг келажигида кўришни хошлашади, шундан-да, эзгу тиллақлар билан битилган изҳорларни куйга солишади. Бу сатрлар эсини таниб бораётган бола қалбига кўроғишдай куйилиб бораверган.

Хўш, бугун-чи? Ҳали ёшига етмаган, алла завқини туймаётган болажон кўлига телефон ушлаб олган. Кичкинтойни ухлатиш ўрнига, телефон билан тинчлантириш осон бўлиб қолди. Мазмуни номаълум мультфильмлар, ўйинларни ота-оналар, буви-буважонлар қойилмақом қилиб ўйнолмаслиги мумкин. Аммо эндигина атак-чечак қилаётган болакай бир зумда ижтимоий оламга ғарқ бўла оляпти.

Интернет нашрларининг ёзишича, Хитойнинг Кибермакон масалалари бўйича бошқармаси 18 ёшгача бўлган болаларнинг мобил қурилмаларда онлайн ўтказадиган вақтини чеклашни таклиф қилмоқда. Болаларга тақдим этиладиган контент ёшга қараб тузилади ва беш тоифага бўлинади. Шулардан 3 ёшгача бўлганларга фақат болалар кўшиқлари ва аудиоўйинлар тавсия этилади.

Юқорида айтилган маълумотнинг "болалар кўшиқлари" деган қисми эътиборимни жалб этди. Бенихтиёр вилоятда ўтадиган байрамлар кўз ўнгимда жонланди. Дастурларнинг энг қувноқ жойи болажонлар саҳнасида. Хор жамоаларининг кўшиқлари, рақслар, саҳна томошалари эзгулик учун хизмат қилиши билан бирга, уларнинг истеъодларини яна бир қарра намоиш этишлариға имкон берарди. Бугун телефонга ошно болажонлар-чи, улар қандай кўшиқларни тинглаб, куйлашмоқда? Митти қалбларига санъат қай тарзда инмоқда?

Болалигимда "Булбулча" хор ансамбли иштирокидаги кўрсатуви оилавий томоша қилардик. Янги ўргатилажак

кўшиқларни ёзиб олиб куйлардик. Беназир истеъод соҳиби бўлган Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов кўшиқларнинг гоё ва мазмунига алоҳида тўхталар, экран қаршисидаги болажонларга ҳам куйлаш сир-асорларини обдон ўргатар эди.

Боғимда гуллар чаман, Мен гулларни кучаман. Завқ-ла очиб қулочим, Яйраб қушдек учаман.

Баҳорнинг ўзимизга ўхшашига, унинг биз билан яшашига мурғак қалбимизни ишонтирган беғубор давр эди. Ўзбекистон болаларининг устозига айлиниб улгурган Шермат Ерматов ана шу беғубор олам, орзулар дунёси ҳақида юзлаб куй-кўшиқлар яратиб, биз билан бирга куйлар, мурғак қалбларининг ҳеч ким англай билмас нозик қирраларини теран ҳис қила оларди.

– Мактабда ўқиб юрган давримизда ўқувчилардан иборат бадий ансамбль бўларди. Ватан, тинчлик, она, устоз мавзуларида кўшиқлар тайёрлаб куйлардик, – дейди вилоят болалар кўғирчоқ театри директори Таваккал Султонов. – Ҳозир-чи, мактабдаги маънавий-маърифий тадбирларда бир ўқувчи Озодбек Назарбеков, иккинчиси Юлдуз Усмонова кўшиқларидан куйлайди, яна муҳаббат ҳақида. Қани бу ерда истеъодли ўқувчини намоиш этиш, қани эзгу гоёлар билан тўлган кўшиқлар?

Бугун Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик томонидан боғчаларда мусиқа таълими учун давлат ўқув дастурлари яратилган. Тўпламлар тавсия қилинган. Улар мусиқа раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг мактабгача ёшдаги болалар билан ишлаши учун мослаштирилган.

3 бет

Журналист фикр юритади

"Оғилда туёғинг бўлса, рўзғорда каминг бўлмас" деган нақлни кўп эшитганмиз. Маълумотларга кўра, ўтган йили Риштон туманида чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли сони 28,9 фоизни ташкил этди. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари эса 29 та.



Аҳоли хонадонларида ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИНИ БОҚИШ

Нега камаймоқда?

Туман аҳолиси учун азалдан қорамол боқиш асосий даромад манбаларидан бири бўлган. Бироқ, кейинчалик аксарият риштонликлар шароит етарли эмаслигини чорвачилик билан деярли шуғулланмай кўйди. Чунки унинг ўзига яраша машаққатлари бор...

– Туман марказидаги хонадонларда мол-қўй деярли боқилмаяпти, – дейди Риштон тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Аъзамжон Янгибоев. – Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Авваллари қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда

бемалол чорва моллари боқиларди. Ерлар фермер хўжаликлариға бириктириб берилганидан сўнг далалар атрофиға "беғона моллар" яқинлаштирмай кўйилди. Бу қорамол боқишдаги дастлабки қийинчиликни бошлаб берди. Бундан ташқари, асосий озуқалардан бири – қунжарнинг нархи 4500-4800 сўм, сомоннинг бир боғлами ҳажмиға қараб 10-15 минг сўм. Битта ҳайвонға кунига 3 маҳал озуқа бериш керак, бу бир ойға ўртacha бир миллион сўм миқдоридаги озуқа деганидир.

Агар қунжара, дон маҳсулотлари, шелуха, кепак асосан ёғ-мой, дон

маҳсулотлари қорхоналарида ишлаб чиқарилишини ҳисобға оласак, уларнинг барқарор фаолият юритмаслиги озуқанинг ўз-ўзидан қимматлашишиға олиб келмоқда.

Яна бир гап. Риштонда яйлов жуда кам. Асосий ер майдонлариға пахта ва буғдой экилади. Яйловсиз ҳудудда ўз-ўзидан ем-хашак танқислиги вужудға келади. Шу боис, аҳоли мол, қўй-эчкиларини Тошкент вилоятининг Оқтўв яйловида ижара асосида боқмоқда.

2 бет

Орамиздаги одамлар

ХОЛИСЛИК ШИОРИ БЎЛГАН ВАТАНПАРВАР



Журналистика жонли жараён. Цензура кучайганда ихчамлашади, эркинлик кенгайганда гуллаб-яйрайди. Ҳар икки ҳолат ҳам аслида "хавфли". Биринчисида журналист ички мезонларни чеклашга мажбур бўлади. Иккинчи ҳолатда эса ўзига белиштиёр эрк бериб, чегарадан чиқиб кетиши мумкин. Хўш, остки ёки устки "чегара" нима дегани ва уни ким белгилайди?

– Холисликка йўғрилган ватанпарварлик энг тўғри йўлдор, – дейди Шерзодхон Қудратхўжа.

Албатта, бу унинг қараш, унинг мезон чегаралари, унинг ҳаёт шиори. Аммо бу қараш, мезон, шиор тўғрисида, Шерзодхон Қудратхўжа бугун Ўзбекистоннинг энг таниқли журналисти, энг оммабоп телеграм канали, фейсбук саҳифаси эгаси, барча турдаги матбуотнинг энг фаол иштирокчиси, кўлловчилари бисёр, душмани ҳам кам бўлмаган шахсий фикрида собит ижодкор.

Мен илк бор Шерзодхонни кўриб таниганимга қирқ йилдан ошгандир. Йўқ мен адашмадим. Биз бир маҳалла – Кўкчанинг Оқлонидега бир кўча нарида кўшни бўлиб яшаганмиз. Соҳлари кўнғирроқ, ёшига нисбатан бўйчан, кўрғанда ҳадеб савол беравериб эриктирадиган маҳалланинг "билағон" боласи эди у.

Вақтлар ўтиб, мустикаликнинг дастлабки йиллари Миллий университет журналистика факультетини тугалади ва телевидениега, "Ахборот" тахририятига ишга келди. У деярли ўзгармаган, ўша-ўша "билағон" қолган. Савол беришдан, ўрганишдан ҳеч уялмади.

Одатда янги келган ёш ҳамкасбларни "эски"ларга бириктириб қўядилар. Воқелик, янгилик ёки мавзули репортажларни тасвирга тушириш улар доимо бирга чиқариларди. Кейин Шерзодхон матндаги баъзи сўз, ибораларнинг нега шу жойда қўллангани, тасвирдаги айрим кадр нега айнан шу жойга монтаж қилинган, сўхбатдошнинг интервьюсидан олиб ташланган қисми тақдир ва сабабларини сўрайверарди. Лаҳзага овоз берилганда эса журналистнинг мати ўқиб, оҳангига, ургу ва озгина тўхталиши (пауза)га диққат билан эътибор беради, тахририят йўлақлари, дераза олдларида ўша матнни тақдир қилиб ўқитганини кўп кўрганам. У излар, интиларди, ўзлгини топшига ҳаракат қиларди.

Тез кунларда Шерзодхоннинг дастлабки, ўзи муस्ताқил тайёрлаган репортажи "Ахборот"нинг асосий кўрсатувидан жой олди. Уша кун ҳамон эсимда. У қувончдан осмонга сапчилади. Ҳамманинг кўзига термулди, оғзини пойлади.

"Баракалла, Шерзодхон", дейишганида ҳам бошқалардек оғзи қулмага етиб қулмади. Барчани хайрон қолдириб, эртанинг тадоратини кўрди. Ўйлаб юрган мавзуларини тақдир қилди. Шу тариха иккинчи, учинчи... ва бири-бирига ўхшамас мавзулардаги репортажлари пайдо бўлди. Барча ҳамкасбларни хайрон қолдириб, эртанинг тадоратини кўрди. Ўйлаб юрган мавзуларини тақдир қилди. Шу тариха иккинчи, учинчи... ва бири-бирига ўхшамас мавзулардаги репортажлари пайдо бўлди. Барча ҳамкасбларни хайрон қолдириб, эртанинг тадоратини кўрди. Ўйлаб юрган мавзуларини тақдир қилди. Шу тариха иккинчи, учинчи... ва бири-бирига ўхшамас мавзулардаги репортажлари пайдо бўлди. Барча ҳамкасбларни хайрон қолдириб, эртанинг тадоратини кўрди. Ўйлаб юрган мавзуларини тақдир қилди. Шу тариха иккинчи, учинчи... ва бири-бирига ўхшамас мавзулардаги репортажлари пайдо бўлди.

Бор-йўғи 2-3 йиллик фаолияти давомида Шерзодхон миллионлаб телеомошабинлар меҳрини қозона олди. Унинг гоҳ ишлаб чиқариш қорхоналари, гоҳ деҳқон ташвиши ва ютуқлари, гоҳ она табият муаммолари, расмий делегацияларнинг юртимизга сафари ҳақидаги таҳлилий лаҳва ҳамда репортажлари тилининг раволиги, далилларнинг ўз ўрнидалиги, тасвир ва сўз уйғунлиги каби жиҳатлари билан ажралаб турарди. Ниҳоят унга давлат раҳбарининг вилоятларга ташрифи ёритиш ҳам ишонч топирилган бўлди. Эсимда, бу ёш йигитнинг ижодий муваффақиятидан қувонганлар оз эмас, лекин... Узгалар иқтидорини тан олмайдиганлар ҳам бор эди. Шерзодхон бунини билган, шунинг учун ижоддан, изланишдан тўхтамади. 24 ёшда унга мамлакат раҳбарияти катта ишонч билдирди, Шерзодхон Ўзбекистон

телевидениесидаги тўрттадан бири бўлган "Дўстлик" телеканалига директор этиб тайинланди. Энди унга тележурналистик қобилиятнинг ўзи етмасди. Раҳбарлик салоҳияти, ташкилотчилик маҳорати ҳам керак эди. Бунини қарангки, устозлардан бу тақрибани ҳам тез ўрганди.

Ҳаётнинг ўз қонунлари бор. Хизр назар қилган одамнинг йўли ҳар ерда очик бўлади. Кутилмаганда Шерзодхонга Марказий сайлов комиссияси матбуот котиблиги вазифасини тақдир қилди. Ташқи кўринишдан бу телеканал директорлигини элган пастроқ эди. Аммо касб инсонни эмас, инсон касбни улуғлайди. Президентлик сайлови арафасида мохир журналист бир неча илгари сайловларда учрамаган лойиҳаларни амалга оширди. Кундалик брифинг, матбуот конференциялари, сиёсий партия раҳбарлари, ҳукумат аъзоларининг интервьюлари... Одамлар "Ахборот"ни, Шерзодхонни кутиб кўрадиغان бўлди.

Биз Шерзодхон Қудратхўжа таржимаи ҳолини батафсил ёзмақчи эмасмиз. Лекин ҳақиқат шундаки, у энг ёш телеканал директори, энг ёш ва фаол матбуот котиби... Шундан сўнг эса Президент матбуот котиблигида энг ёш етакчи мутахассис бўлди.

Йўқ, ҳаёт бирдек текис эмасди. Тақдир уни мамлакатнинг ўша давридаги Бош вазирга матбуот котиби қилиб қўйди. Сўнг... Сўнг эса ҳаммасини яна бошидан бошлади. Миллий университет ўқитувчиси, кафедра мудир, "Пресс клуб" тасвирчи... машаққатли йиллар яна игна билан қудук қазиди. Сўнгги йиллар имкониятидан қозиб самарали фойдаланди.

Бугун Шерзодхон Қудратхўжа Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор,

Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси раиси, халқаро белбоғли кураш федерацияси вице-президенти... ва яна бир қатор жамоат ташкилотлари аъзоси.

Аслида гап унинг эгаллаган лавозимларида ҳам эмас. У буларга гоҳат заҳматли меҳнати, иқтидори эвазига эришди. Холисликни ҳаёт шиори қилган ватанпарварлиги учун эришди.

У ҳаммиса тўғри сўзлади. Кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмасликка олмади ўзини. Миллат, Ватан манфаатига дахлдор масалаларни барча даражада мардик билан айта олди. Туртилиш, сурилишларни бошидан кечирди. Молиявий, маънавий қийинчиликлар унинг қаддини бука олмади. Бир лаҳза бўлса-да, ҳаётини мезонлардан чекинмади. "Виждоним, халқим, Президентим олдида қалбим тоза, ниятим холис", деди у ҳар гал шундай ҳолатга тушганида.

Шерзодхон Қудратхўжа ким ўзи? Оилада ҳам меҳрибон фарзанд, ҳам талабчан ота, ишда маҳоратли раҳбар, талабалар учун энг яқин дўст, журналистикада англик яратган олган жасоратли ва толмас ижодкор ва яна устозу шоғирларга садоқатли инсон!

Шерзодхон Қудратхўжадан қаҳрамонлардан унинг нимаси кам? Сийрат ва сиймони борича тан олмак, ошқора айтмоқ ҳам лозим эмасми? Бугун 50 ёшини нишонлаётган Шерзодхон Қудратхўжа бизнингча, ҳаётини холисликка йўғрилган фидойи ватанпарвар!

Мухаммаджон ОБИДОВ.

Ҳуқуқий сабоқ

ПЕДАГОГЛАР ИМТИЁЗЛАРИ ҚОНУНАН КАФОЛАТЛАНГАН

Савол: – Мактаб ўқитувчиларининг қандай ҳуқуқ ва имтиёзлари мавжуд?

Жавоб: – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ўқитувчи ва мураббийлар нуфузини ошириш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Энг асосийси, педагог мақоми қонун билан мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 2024 йил 1 февралда "Педагогининг мақоми тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу ҳужжатга қадар ҳам соҳага оид мавжуд қонун, фармон ва қарорлар асосида ўқитувчилар бир қанча ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиб келишад.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига кўра, ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиришнинг директор жамғармаси ташкил этилди ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Низомга асосан, педагоглар жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўланадиган энг кам миқдорнинг 50 фоизгача мукофотлаштиши мумкин.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги "Педагог ходимлар учун йиллик ўзайтирилган меҳнат таътили давомидаги меъёрий тартиб белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 56 календар кундан иборат йиллик ҳақ тўланадиган ўзайтирилган меҳнат таътили берилди ва бу даврда иш ўрни ва лавозими сақланади.

– Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 184-моддасига асосан, мактаб ўқитувчиси учун иш вақтининг давомидаги ҳафтасига кўли билан ўттиз олти соат қилиб белгиланади.

Шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига кўра, мактаб ўқитувчиларига фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида 10 фоиздан 40 фоизгача устама белгиланади.

– Фан олимпиадаси ғолибини тайёрлаган ўқитувчилар рағбатлантирилади, шунингдек, олимпиада ғолиби бўлган ўқитувчиларга 150 фоизгача устама пуллари берилди.

– Олис ҳудудларда дарс бераётган ўқитувчиларга 50 фоизгача устама берилди.

– Халқаро ва миллий сертификатга эга бўлган ўқитувчилар учун 50 фоизгача устама берилди.

– Ўқитувчиларнинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик мавжуд ҳамда юқоридаги ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиш учун кимдир тўқсизлик қилса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш мумкин.

Ғолибжон МҮЙДИНОВ, Қўштепа тумани адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юриконсульты.

Эрон

1 бет

президентининг ҳалокати:

бирламчи мулоҳазалар

Авалло, "Эрон Ислום Республикасида президентнинг мақоми, ҳокимият иерархиясидаги ўрни қандай?" деган саволга жавоб бериш керак.

1979 йилда ислом инқилоби амалга оширилган, инқилоб раҳбари Имом Хумайний бошчилигида ўзига хос давлат тузилиши жорий қилинди. Эрон – республика, у халқ номидан бошқарилади. Исламий давлатчиликни сақлаб туриш учун эса, давлатнинг энг олий раҳбари – оятуллоҳ деб белгиланган ва у халқ томонидан эмас, диний кенгаш томонидан сайланади. Сайланган имом давлатнинг энг муҳим ҳокимият ваколатларини идора этади.

1979-1989 йиллар давомида давлат раҳбари – олий имом оятуллоҳ Рухуллоҳ Хумайний эди. 1989 йилдан буён давлат раҳбари – Али Хоманайй. Ўзбекистон давлатчилиги ми-солда айтганидан бўлса, Эрондаги президентлар – биздаги Бош вазир мақомига яқин келади. Яъни Эронда хавфсизлик, ташқи ишлар, ички сиёсатда энг муҳим йўналишларнинг барчасини давлат раҳбари – Имом Хоманайй белгилаб беради, президент эса ижрочи шахс ҳисобланади. Олий қарорларни Имом Хоманайй қабул қилади, президент уларнинг ижросини таъминлайди ва имомга, диний

кенгашга ва парламентга ҳисобот беради.

Қолаверса, Иброҳим Раисий – консерватор сиёсатчи эди. У билан Имом Хоманайй ҳамда Ислום инқилоби қўриқчилари корпуси ўртасида тирашувлар, тўқнашувлар кузатилмаган эди.

Ташқи кучлар яхши биладики, Иброҳим Раисийнинг ўлими – Эроннинг ташқи сиёсати ўзгаришига олиб келмади. Мисол учун, президентнинг ўлими баъзи мақсадларга эришиш имконини берганда ҳам, бу ишни қилган давлатлар – агарки шундай давлатлар бўлса, тарихий масъулиятдан ва ёмон тамгадан қочиб қутула олмади.

Табиийки, Эрон президентини ва бошқа қудратли шахсларнинг ўлими сабабли, жуда кучли текширув комиссияси тузилади. Бу комиссия – халқро кузатув остида бўлади. Ва комиссия, бир томондан, жуда малакали бўлади, иккинчи томондан, бор ҳақиқатларни яшира олмади. Демак, аслида нима бўлгани яқин ойлар ичида маълум бўлади. Агар ички ёки ташқи кучлар аралашган бўлса, бу маълум бўлмасдан қолмайди.

Асосий версия шундан иборатки, бу ҳалокат Эрон давлат сиёсати

ўзгаришига олиб келмади. Давлатни олий раҳбар – Имом Хоманайй бошқаради. Шу сабаб, Эрон президентининг ўлими, жуда катта эҳтимол билан бахтсиз ҳодиса бўлиши керак.

Сиёсат – жуда мураккаб соҳа. Бундай ҳодисалар уюштирилган бўлиши эҳтимолини тўлиқ истисно қилиб бўлмайди. Ва агарки кимдир бундай ишга қўл урган бўлса, улар ўз изларини жуда чуқур яширишига ҳаракат қилади. Лекин, юқорида айтилганидек, Эрон президентининг ўлими ички сиёсатда ҳам, ташқи муносабатларда ҳам бирор муаммага ечим берамайди, аксинча, ноаниқликларни оширади.

Эрон Ислום Республикаси – Ўзбекистоннинг муҳим қўшниларидан бири. Икки давлат ўртасида географик нуқтан назардан фақат Туркменистон бор. Тарихан, Ўзбекистон ва Эрон халқлари бир маданий маконнинг таркибий қисмлари бўлган. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Эрон алоқалари жуда ижобий динамика ҳолатига кириб келган эди.

Эроннинг кейинги президенти ҳам эҳтиёманд фуқароларга берилиши уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмақда. Бошқалар эътирозлари бара-ка топмаганидан ўзларига тегишли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилган расмийларнинг вафот этгани муносабати билан мамлакат халқига, марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этди. Бошқа давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам биринчилардан бўлиб Эронга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишига тўлиқ тайёрглигини билдирди.

Эрон олий диний раҳбари оятуллоҳ Али Хоманайй мамлакатда 5 кунлик мотам эълон қилди.

Хозирда амалдаги вице-президент Мухаммад Моҳбер вақтинчалик Эрон президенти ваколатини бажармоқда. Мамлакат Конституциясининг 131-моддасига кўра, президент вафот этган тақдирда, унинг ваколатлари биринчи вице-президентга ўтади. Унда мuddатидан олдин президентлик сайлови 50 кун ичида бўлиб ўтиши белгиланган. Дастлабки хабарларга кўра, сайлов 28 июнда ўтказилади.

22 май куни Техронда Эрон президенти Иброҳим Раисий, ташқи ишлар вазири Ҳусайн Амр Абдуллоҳиён ва президент делегациясининг бошқа аъзолари учун жаноза намози ўқилди.

Маросимга Эроннинг диний раҳбари оятуллоҳ Али Хоманайй бошчилик қилди. У марҳумлар учун дуо ўқиди.

Бир неча соатдан кейин президентнинг тобути Эроннинг муқаддас шиа мусулмонлари шаҳри Машҳадга етказилди, Абдуллоҳиённинг жасади эса Техронда қолди. Дафн маросими кеча бўлиб ўтди.

Эрон Ислום Республикаси президентининг ўлими дунё сиёсатига қандай таъсир кўрсатади? Айрим манбаларда келтирилишича, Иброҳим Раисийнинг вафоти қисқа мuddатда Эрон ташқи сиёсатига таъсир қилиши мумкин. Аммо узоқ мuddатда Эрон ташқи сиёсатини ўзгартириши даргумон.

Журналист фикр юритади



Аҳоли хонадонларида ЧОРВА ҲАЙВОНЛАРИНИ БОҚИШ нега камаймоқда?



1 бет

Туманининг "Жаҳонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ра-сулжон Ибрагимовнинг сўзларига қараганда, ҳудудда фуқароларнинг 70 фоизи чорвачилик билан шуғулланади. Хонадонларда 15-20 бош бўрдоқ қорамоллар бор. Соғин си-гирлар кам боқилади. Чунки, унга кўп емиш керак. Ем-озуқа шохобчалари эса жуда кам. Тўғри, чорва моллари боқадиган аҳолига имтиёзли кредит ажратилапти. Аммо уларнинг аксария-ти қисми бу имкониятдан самарали фойдаланмапти. Айрим ҳолларда фермер хўжаликлари томонидан бозор нархидан анча қиммат ёки наслдор бўлмаган қорамолларнинг эҳтиёманд фуқароларга берилиши уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмақда. Бошқалар эътирозлари бара-ка топмаганидан ўзларига тегишли

хулоса чиқариб олишди.

Кўпчиликка аён, бугунги кунда аҳолининг гўшт-сут ва тухум маҳсулотларига талаби маҳаллий имконият ҳисобига тўлиқ қолланма-япти. Бозорлардаги гўшт ва сут маҳсулотларининг нархи қиммат.

Хозирда республика миқёсида фаолият юритаётган чорвачиликка ифтисоллашган хўжаликларда зотдор насли чорвага эътибор катта. Риш-тон туманида ҳам пахта ва буғдой етиштирувчи фермер хўжаликларида туёқли жониворларни кўпайтириш имконияти мавжуд. Лекин озуқа экинлари учун қўшимча ер майдо-ни ажратилиши керак бўлади. Бу борда фермерлар ижобий натижа кутишмоқда.

Тумандаги "Ихтиёр SMIK" кўп тармоқли фермер хўжалигида Гер-

маниядан келтирилган 200 бош насли қорамол парваришланмоқда. Фермер чорва ҳайвонлари сонини кўпайтириш тараддуида. Бунинг учун озуқа экинлари майдони етиш-маяпти.

– Чорвачилик билан кўп йиллардан буён шуғулланаман. Тажриба шуни кўрсатдики, қорамолларни пар-варишlash учун кўп нарса шарт эмас. Бу иш билан астойдил шуғулланган кишига етарли шароит яратиши керак. Шунда у бирова муҳтожлик сезмайди, – дейди хўжалик раҳбари Мўътабар Аҳмедова. – Бундан ўн беш йил олдин туман марказидаги хонадонларда ҳам сиғир, қўй, товуқ боқилган. Шунга яраша қишлоқда яйлов, уйлар атрофида яшил майдон бўлган. Шаҳрлашиш натижасида марказий кўчалар ўтлоқ ва дала ерлар ҳисобига кенгайди. Шунинг-дек, озуқа ер майдонлари ҳам тобора қисқариб бормоқда. Натижада, ем-хашак қимматлашди, тақлифдан кўра талаб ортди.

Қайд этиш лозимки, тажриб фермер хўжалигининг тумандаги "Сўхобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 250 гектар ер майдони бор. Бу ерга асосан пахта, буғдой, сабзаот экин-лари экилади. Чорва ҳайвонлари ҳам шу ерда ташкил этилган фермада боқилса-да, қорамолларга озуқа Марказий Фарғона чўлларида, 70 километр узоқликдан ташиб кели-нади. Айни кунларда Россия давлатидан яна 300 бош насли қорамол келтириш режалаштирилмоқда. Аммо ем-хашак озукиси ва чорва фермасини кенгайтириш учун қўшимча ер май-дони ажратилмаяпти.

Фермер хўжалиги раҳбарининг қўшимча қилишича, мутасаддилар томонидан чорва моллари наслини сақлаш, боқиш харажати камайти-риб, махсулдорлики ошириш бўйича етарли ишлар олиб борилмапти. Натижада қорамоллар бош сони ошса-да, етиштирилётган махсулот ҳажми наслигича қолмоқда. Бугун-ги кунда наслилик борасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Масалан, бир бош жайдари сиғир бир кунда 7-8 литр сут бера, наслидан 15-20 литргача сут олиш мумкин. Уларни боқишдаги харажатлар эса деярли бир хил.

Хулосасан шуки, аҳоли ўз томор-қасида ерни ҳам, сувни ҳам тежаган ҳолда, интенсив усулда озубоаб моллар етиштирса, насли чорва еккинлари бокса, жойларда кунжара, шелуха, кепак сотуви тартибга со-линса, аҳолининг шу соҳадаги даро-мад манбаи ошади, бозорларимиз махсулотлар билан тўлиб, нарх-наво барқарорлашади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Очиқ, аммо аччиқ гаплар

БОЛАНГИЗ ҚАЙСИ ҚЎШИҚНИ КУЙЛАЯПТИ?!

1
бет



– Бизга тақдим этилган қўшиқлар болажонларни ватанпарварликка, оила аъзоларини хурмат қилишга, табиатни, ҳайвонот оламини севишга ундайди, – дейди Фарғона шахридаги 17-мактабгача таълим ташкилоти мусиқа ўқитувчиси Асал Зарипова. – Болажонларга дарс аввалида сахнада туриш маданиятини ўргатишдан бошлаймиз. Сўнгра:

“Салом болалар, Салом муаллим!” каби айтим билан овозларини созлаймиз, мусиқани эшита олишга тилимиз, йўқми аниқлаб оламиз. Қувнок ноталар, мусиқа асбоблари бизга “ёрдамчи”. Ҳар бир қўшиқустидида кўп муддат ишлаймиз. Ота-оналар болажонларга қўшиқ матнларини ёдлашда ёрдам беришади. Айниқса, жажжи ўғил-қизларимизга Пулат Мўмин сўзи, Дилором Омонуллова мусиқаси билан айтувчи “Ватанжоним” қўшиғи жуда ёқадди.

Ватанжоним ватаним, Кўзим қувнаб кўганим. Истиқлолдан қўганим, Ўзбекистон ватаним. Шунингдек, Йўлдош Суонов шёъри ва Дилором Омонуллова мусиқаси билан куйланувчи “Бувижоним” қўшиғини ҳам болажонлар мароқ билан ижро этишади.

Менга тенгиси мехри бор, Сўзларида сеҳри бор. Эртак айтиб толмаган, Эркалатиб хормаган, Бувижоним, бувижон, Мехрибоним бувижон.

Болалар боғчаларида қўшиқлар матни билан биргаликда флеш дисклар мавжуд. Унда ёш хонандлар томонидан ижро этилган барча қўшиқларнинг ёзувлари ва “минус” фонограммалари мавжуд. Бу мактабгача таълим муассасасида ўтказиладиган тадбирларда мусиқий асарлардан фойдаланиш имконини беради.

Болажонларга чет тилларидаги қўшиқлар ҳам ўргатилади. Айниқса, рус халқ эртаги бўлган “Мы матрёшки”, “Туча” қўшиқлари доим севиб куйланади.

– Ёшлигимда “Катюша” қўшиғини куйлаб юрардим, менга жуда ёқарди, – дейди тадбиркор Баҳодир Абдуллаев. – Мана ҳозир ҳам бемалол куйлай оламан.

75 ёшли бувим ўзи бола пайти ёд олган қўшиғини укам билан менга ўргатганди. **Поездинги юргизган, Ўтхонаси билан дўнгалади. Москвага кетди-я, Мард йигитнинг бир бўлаги.**

Москвага кетмас эди, Мард йигитнинг бир бўлаги. Москвага кеткисворган, Николая пошто замбараги. Қўшиқни ёд олар эканмиз, опа-ука бир-биримизга ҳайрон боқдик. Бувимнинг эса кўзларидан ёш томчиляпти. Югуриб бориб иссиқ бағрига сингиб кетдик. Бугун орадан йиллар ўтиб билдимки, бола ёшида иккинчи жаҳон уруши захматларини тортган бувим ўша хотираларга қайтган экан. Бугун эса ҳар бир авлод тинч ва обод дийрда истиқомат қилаётганидан шод,

қалби тўла фахр. Дорилором кунларга байрамлар, тўйлар, болажонларнинг эркаликлари ярашиб турибди. Саҳналарни тўлдириб қўшиқ куйлаётган болалар эса ана шу тинчликни, хотиржамликни тараннум этишмоқда.

– Йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида турли ёшдаги болаларга миллий қўшиқлар билан бирга, жаҳон халқ ва эстрада санъатини ҳам ўргатиб келяпман. Болалар жуда зийрак, истеъдодли, – дейди Фарғона вилоят инновацион маданият маркази қошидаги “Алёр” ансамбли раҳбари Акмал Маҳкамов.

– Биз ташкил этган тўгарак орқали кўплаб истеъдодли ўқувчилар санъат оламига кириб келишди. Бугун ҳам ансамблимизнинг ўз ўқувчилари бор. Машғулотлар жараёнида тавсия этилган дастурдан биров чекинган ҳолда қўшиқлар ўрганамиз. Болаларга Иброҳим Жиянов сўзи ва Хуршида Ҳасанова мусиқаси билан куйланувчи “Менинг диёрим”, шунингдек, “Болалик”, “Дўстлар”, рус халқ қўшиқларидан “Катюша”, “Теремок”, италиян халқ қўшиғи – “Санта Лучия”, “Попури”лар доимий ўргатиб келинади ва бу қўшиқларни ўқувчилар ҳам севиб ижро этишади. Бундан ташқари, дастурга янгилик киритиш мақсадида доимо изланамиз. Яқинда Сайдали Одиллов шёъри ва Алишер Ғофуров мусиқаси билан ёзилган “Янги Ўзбекистон” қўшиғини яратдик. Унда юртимизнинг мустақиллик йилларидаги ютуқлари, ёшларимизнинг ғалабалари тараннум этилган. Фарғона давлат университетини санъатшунослик факультети катта ўқитувчиси Лайло Турсунова ёзган қўшиқларини ҳам дастуримизга киритиб, куйлаб келяпмиз. Асосийси, болалар сахнада маза қилиб куйлашмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади. Болажонларга мусиқий таълим бериш билан бирга, улар куйлайдиган қўшиқларнинг мавзулари ранг-баранг бўлиши ҳам муҳим. Яхши устоз кўрган истеъдодли болалар эса сахнада ҳар бир қўшиқни муаллиф назарда тутгандан-да аъло ижро этишади. Болажонлар боғчада қўшиқ куйлайдилар, мактабга ўтгач, алоҳида мусиқа дарслари ўтилади. Шу билан бирга, санъатга иштиёқманд ўқувчилар устозлар йўл-йўриғи билан мусиқа мактабларига қатнаш бошлашади. Хўш, у ерда қандай қўшиқлар ўргатилади?

– Болалар мусиқа мактабини қай бир йўналишига келмасин, албатта хор машғулотларини ўтишади, – дейди Фарғона шахридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби хор синфи ўқитувчиси Милоҳат Жуматов. – Бизга тақдим этилган дастурни янгилик ҳақида ҳар йили август ойида бошқармада бўлиб ўтадиган шўба йиғилишларида айтмамиз, фойдаси бўлмаяпти, – дейди Риштон туманидаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби хор синфи ўқитувчиси Муштарий Маҳсумова. – Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиларини бирдай ўйлантираётган масала бу. Тўғри, қўшиқлар жуда чиройли танланган, мавзулари ҳам турлича.

Бироқ адабиётлар йўқ, миллий кам, кўплари рус тилида. Қўшиқлар аллақачон эскирган. Мактабимизни тугатган бир собиқ ўқувчимиз фарзанди куйлаётган қўшиқни ўн йиллар муқаддам ўзи ҳам куйлаб кетганини айтиб ўтди. Ҳайрон қоларли маълумот эмас бу. Ўқувчиларнинг қобилияти дастурда берилгандан-да яхши асарларни куйлашга етади. Улар дарсдан ташқари вақтларида ҳам мусиқий адабиётларини ўқиши, ўрганиши зарур. Бироқ бу адабиётлар ўқитувчилар учун йўқ, ўқувчига йўл бўлсин.

Милоҳат Жуматованинг қуюнчаклик билан айтган гапларида жон бор. Ўқитувчи ҳар кунги сабоқ учун бирдай тайёргарлик кўради. У янги куй-қўшиқлар устиди ишлашни, ўқувчиларга ўргатишни истаydi. Адабиётларни ўқиб шёърлар, мусиқий асарларни излаб топишади, ўқувчиларга ўргатишади. Аслида мутасаддилар дастурни тузаётганларида бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

– Болалигимдан мусиқани, шёъриятни севаман, – дейди у. – Доим қўшиқ куйлаб юрардим. Шу иштиёқ мени болажонлар учун қўшиқлар ёзишга ундаган бўлса ажабмас. Мактабгача тарбия – бу боланинг ўсиши, ривожланиши, ўзлигини намоён этишига интилиши, ўрганишига, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айни шу даврда боланинг инсоний сифатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Мен яратаётган ўқув услубий қўлланмалар мактабгача таълим ташкилотлари мусиқа раҳбарларига машғулотларни олиб боришда жуда қўл келади. Бунда болаларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг қобилиятлари, истеъдоди, иқтидори, идрок этиши, тафаккури асос қилиб олинган. Ижод намуналаримдан қўлаб мутахассислар фойдаланишапти. Байрамлар, тадбирларда болажонлар тилидан куйланаётган қўшиқларимни эшитганда яйраб

– Ўқувчиларга аввало ўрганаётган қўшиқларининг ғоя ва мазмуни, муаллиф кўзлаган мақсад нимадан иборат эканини тушунтирамиз. Мен дарс жараёнига кутубхонамиздан мавзуга ҳамоҳанг китобларни олиб чиқаман. Ўйлашимча, бизнинг йўналиш дастурига ҳам қўшимчалар киритиш керак, – дейди Фарғона шахридаги 3-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби академик хонандлик йўналиши вокал ўқитувчиси Сарваржон Алижонов. – Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқиганим боис, ҳамон устозларимдан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олиб тураман. Яқинда ўзбек мумтоз мусиқасини ривожлантириш ва ўзбек романсларини тиклаш бўйича ноёб, маданий лойиҳа амалга оширилди. Олтин овоз соҳиб Женисбек Пиязов лойиҳаси асосида “Ўзбек романслари” чоп этилди. Бу эса бизнинг кутубхонамизни ҳам бойитди. Ўқувчиларимиз ўзбек маданиятининг интеллектуал хазинаси бўлган асардан QR-код воситаси орқали романслар ижросини ва видео ёзувларини кўриш имкониятига эга бўлишди. Ийлига кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг китоблари нашрдан чиқадди. Юзлаб янги асарлар кутубхоналарини бойитади. Улар орасида болалар шоирлари, ёзувчилар асарлари ҳам бор. Хўп, шундай экан, нега болалар қўшиқлари ўзгармай тураверади? Ким билан суҳбатлашмай, болалар боғчасида ҳам, мусиқа мактабларида ҳам қўшиқлар деярли такрорланиб келаётганини айтишади. Китоблари қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган шоирлар, таниқли бастакорлар жуда кўп бўлса-ю, уларнинг болалар учун асарлари бўлмаса?!

Фарғона давлат университети санъатшунослик факультети катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси Лайло Турсунова кўп йиллардан буён ёшларга мусиқа таълимидан сабоқ бериб келади. Унинг “Боғча гулим”, “Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб”, “Куйга тўлсин, бу олам”, “Юртимда байрам бўлсин”, “Ватан менинг қувончим” номли қўшиқлар тўпламлари чоп этилган. Уларни таълим муассасаларида, маданият марказларида куйлаб келишмоқда. Аммо расман давлат дастурларига киритилмаган.

– Болалигимдан мусиқани, шёъриятни севаман, – дейди у. – Доим қўшиқ куйлаб юрардим. Шу иштиёқ мени болажонлар учун қўшиқлар ёзишга ундаган бўлса ажабмас. Мактабгача тарбия – бу боланинг ўсиши, ривожланиши, ўзлигини намоён этишига интилиши, ўрганишига, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айни шу даврда боланинг инсоний сифатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Мен яратаётган ўқув услубий қўлланмалар мактабгача таълим ташкилотлари мусиқа раҳбарларига машғулотларни олиб боришда жуда қўл келади. Бунда болаларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг қобилиятлари, истеъдоди, иқтидори, идрок этиши, тафаккури асос қилиб олинган. Ижод намуналаримдан қўлаб мутахассислар фойдаланишапти. Байрамлар, тадбирларда болажонлар тилидан куйланаётган қўшиқларимни эшитганда яйраб

кетаман. Лайло Турсунова қаламига мансуб шёър ва қўшиқлар аллақачон ўз муҳлисларини топгани рост. Бироқ улар оммалаштирилмай келинмоқда.

– Болалар мавзусида “Алижон ва арижон”, “Қувнок шёърлар”, “Алла айтинг, оналар” каби китобларини нашрдан чиқди, – дейди шоира Муҳтарома Розикова. – Боланинг феъл-атвори, дунёқараши хўп қизиқ. Мен ана шуларни ўрганаман, кузатаман, шёърларимга сингдираман. Лекин ҳали бирорта шёърим болалар ижросида куйланмаган. Ўзбекистон халқ хофиси Илҳом Иброҳимов билан мавзу бўйича суҳбатлашганимизда, ёшлигида куйлаган қўшиқларни бир-бир ёд олди: **Бахтимиз қулган бағрингда, Ватан, Ўсиб улгайдиқ биз шодон, бардам...**

– Биз куйлаган қўшиқларнинг барчасида Ватан, дўстлик, ота-она хурмати ғоялари устувор эди. Ҳеч бирида йигит-қизнинг қошу қўзини таърифламасдиқ, севиғи ҳақида ўйламасдиқ. Биз куйлаган қўшиқларнинг ғояси қули, шёъридаги чорловлар аниқ эди. Ҳеч биримизга Ватани севиш ҳақида гапирилмаган. Аммо туғилиб ўстаган, яшаб турган гўшани азиз билиш, ардоқлаш, ҳимоялаш ҳақида ўқитилган. Бу эса ўз-ўзидан Ватани севишга йўл очган. Инсон ўзи туғилган тупроқни азиз билгани шу ватани севишнинг асосидир. Ҳозир эса йигит-қиз, севи-муҳаббат мавзулари олдинлаб кетди-ёв. Тадбирлар, байрамларда танланаётган аксарият қўшиқлар шу мавзуда бўлиб қолди, – дейди халқ хофиси.

– Театр репертуридан ўрин олган “Теремок”, “Мусиқали чойхона”, “Айёрлар”, “Иркинг ўрдакча”, “Зумрад ва Қиммат”, “Очил дастурхон”, “Шер ва дуррож”, “Карвонсарой” каби асарларнинг барчаси бола қалбига яхшилик уруғини сочди, – дейди вилоят кўғирчоқ театри адабий бўлим мудир Дурдона Абдурахмонова. – Ҳар бир образда ватанпарварлик, меҳр-оқибат, яхшилик туйғулари мужассам. Негадир, шундай гўзал сахна асарларига ота-оналар фарзандларини олиб келишмайди. Театр – тарбия ўчоғи. У болажонлар онги ва қалбига турфа ранглар ва қиёфалар, воқеалар билан кириб боради.

Фарғона вилояти мусиқали драма театри директори ўринбосари Донёёр Бўриевнинг айтишича, айни пайтда театр сахнасида “Уфқ”, “Аҳмад Фарғоний”, “Репортаж”, “Зўрдан зўр чикса” асарлари кўйилмоқда. Болалар образлари яратилган асарлар йўқ бўлганидан кейин мутасаддилардан болалар қўшиқлари тарғиботи ҳақида сўрашни эп кўрмадим.

Санъат инсонни яхшиликка чорлайди, зеру ишларга ундайди. Мусиқа дил малҳами. Агар унга кишини таъсиридан оладиган шёър танланса борми, бу қўшиқ жуда кўп йиллар сизу биз билан бирга яшайди. Бугун сахналарни тўлдириб куйлаётган, рақс тушаётган болажонларни кўриб кўзимиз кувнади, тўлқинлиб кетамиз. Фақат бу сахналар керак. Бола турфа мавзуларда куйласин, рақсга тушин. Бунинг учун шоирлар, санъаткорлар, бастакорлар янги асарларини фарзандларимизга туҳфа этишсин, дилбар, самимий болалар қўшиқлари сони кўлайсин. “Она юртим”, “Гилдирагим”, “Офтоб чикди”, “Сумалакжон”, “Емғир”, “Бувижоним”, “Кулча нон” каби қадри ва қиммати баланд қўшиқлар сафига янги қўшиқлар келиб қўшилса, бугун телефон балосидан узоқлаша олмаётган болажонлар қалбини забт этса дейман. Қўшиқлар кўп, телевизор ёки радиони қўйсангиз, дарҳол қўшиқ эшитасиз. Эътибор бериб-чи, кичик ёшдаги фарзандларингиз қайси қўшиқларга тақдир қилапти? Нима дедингиз? “Кўк жигули” дейсизми, “Қизил қўйлагим сен учун эмас...” Ҳай-ҳай-ҳай.



«Кусто ороли»да

Муҳаммаджон ОБИДОВ



(Саргузашт-воқеий қисса)

МЕН ҲАМ ОВЧИМАН!

Дунёга келибманки, мундоқ дам олишни билмадим. Аммо кеча тушгача... Вақтлар келиб ярим ибтидоий одамлар яшайдиган оролга келиб қолишим, бу ерда ярим кун бўлса-да, мириқиб дам олишимни сира ўйламагандим. Лекин шундай бўлди. Ўрмоннинг майин шовуллаши, мусаффо булоқ, тургин дарё, беғубор яшиллик, қушларнинг сайраши... Эҳ, яна қачон бундай имконият бўлади?

Эрта тонгда Хусан мени уйғотди. - Ов, ўрмон, какаба, мебин, - дерди кўзларини катта очиб. - Мен ҳозир, - дедим унга ва ташқарига чиқдим. Майсалар ёз бўлса-да, нам тортибди. Шабнамда кроссовкам ҳўл бўлди. Мен дарё қирғоғида сувга белимгача тушиб ювиндим.

- Ўрмон, ов, мебин, какаба, - деди Хусан бошини сарак-сарак қилиб.

Майдондан сурнай овозига ўхшаш, лекин дағалроқ товуш эшитилди. Хусан қўлимдан тортқилаб, чодирдан олиб чиқди. Ўн беш чоғли эркак қўлларига найза ушлаганча шайланган эди. Биз уларга қўшилдик. Хусан бир зумда иккита найза топиб келди ва бирини менга берди. Кўп

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

ўтмай дарё ёқалаб оролнинг қуйи томонига қараб кетдик. Назаримда беш чақиримча юрдик. "Юрдик" деяпману, бу "дўст"ларимга етишиб юргунча тилим осилиб қолаёзди. Сўнг ўрмон томон бурилдик. Россия ўрмонларини кўрганман. Дарахтлар орасидан бемалол юрасан. Бу ерда эса чангалзор. Уч юз қадамча ўрмон ичига кирдик. Овчилар тўрт гуруҳга бўлинди. Биз чап, чет қанотда яна икки йигит билан эдик. Овчиларнинг бири гўё карнай чалгандек бўлди. Лекин овози... Мен учун мутлақо нотаниш. Гўё увиллаётгандек эди. Овоз келаётган томонга қарайман деб бошимни кўтарган эдим, Хусан елкамдан босиб ётқизиб қўйди. Ҳаммамиз пистирмада тургандек сукат сақлар, фақат бояғи овоз тўхталиб-тўхталиб ўрмонни тутар эди. Қизик мен фақат тоғлар акс беради, деб ўйлар эканман. Ўрмон ҳам увиллаган овозга садо қайтарди.

Билмадим, чамамда йигирма дақиқа шундай ётдик. Тўсатдан шох-шаббаларнинг шитирлагани эшитилди. Ҳамма яна жим. Бир дақиқа ўтар-ўтмас қандайдир хайвоннинг хириллагани, сўнг овоз келган томондан туёқ товуши юракка ваҳима солди. Бирдан овчилар қўлда найзани шай қилиб, қад ростладилар.

10 кун

Улар бараварига "лв-лв-лв" дея тиш ва лаб оралиғида қичқириб, бахайбат хайвонни ўраб олдилар. Сўнг ярадор танасига найза санчдилар. Оғриқдан дарғазаб бўлган хайвон биз томонга бурилди. Ёввойи тўғиз! Унинг кўзларидан қон сочилар эди. Бир икки қадам ортга тисарилди-ю, жон ҳолатда биз томонга югурди. Воҳ-воҳ, мени мўлжалга олганими?! Энди шаталоқ отмоқчи эдим, Хусан аввал ўзининг найзасини, сўнг қўлимдан меникини тортиб олди-ю, уни ҳам яқин келиб қолган тўғизнинг кўксига санчди. Шу пайт яна кимдир унга йўғон найзани тикиб юборди. Тўғиз хириллаганича йиқилди. Ундан сачраётган қон менинг юз, кўлимга ҳам етди. Ҳамма кувончдан сакраб ўйнай кетди. Тўғиз эса кўкраги, елка, қуйруғига санчилган

найзаларни писанд қилмай ўрнидан турмоқчи бўлди. Оғиз-бурнидан қон отилиб чиққани сайин ҳолсизланди ва йиқилди. Яна икки-уч бор оёқ силтади. Йўқ, энди у тақдирга тан берди. Охирги найза юрагини ёриб кирган экан...

Инсон қанчалар ваҳший. Бизда-ку дуо ўқиб пичоқ тортилди. Ўрмонда эркин-эмин ризқини териб юрган, балки болалари ҳам бордир, хайвон одам боласи нафсини қондириши учун ўлдирди. Берахмларча ўлдирди. Қанчалар ваҳшийлик! Наҳот ўзим ҳам шу ваҳшийликнинг тепна-тенг иштирокчиси бўлсам-а?!

Дарё бўйига чиққач, юз-кўлимни ювмоқчи бўлгандим, Хусан қўймади. У мендаги қон изларини кўрсатиб, сен овчи, сен овчи, дея тақрорлади. Бошқалар ҳам ювинмади. Бунинг

сабини қабилага қайтгач, билдим. Ҳа, дарвоқе, ёғочга осилган тўғизни мен ҳам икки-уч юз қадамча кўтариб бордим. Жонсиз жасада жуда оғир бўлар экан!

Ўлжани майдонга олиб келдик ва аввалги сафаргидек у қабила бошлиғи оёғи остига ташланди. У қон излари бўлган овчилар қатори менга ҳам бир шода хайвон тишларини ҳада этди. Аниқроғи, бўйинимизга осиб қўйди. Шунда ҳамма олқиш маъносига "лв-лв-лв" лади. Энди тушуниб қолдим. Бу бизни табриклагани эди.

Ўлжада менинг ҳиссам овчиникига нисбатан урвоқча бўлса-да, тақдир-ланганимдан қувондим. Бунни сардор билса керак, лекин барибир мени қатордан қўймади.

Бўйини мукофот шодасини қўлга олиб завқланиб тургандим, ортимдан кимдир туртиб юборди. Сал қолди, йиқилиб тушишимга. Қарасам, ўша, мени ёқтирамайдиган йигит. Қошини чимириб мазах қилгандек, захархандалик билан илжайди.

"Сенга мим қўйибди овчиларни, яна индамай мукофот олгани-чи", деяётгандек эди. Мен унинг олдига бордим, қўлимдаги шодани унинг бўйнига илмоқчи бўлдим. Шунда у аччиқ билан қўлимни бир силтаган эди, тизма узилиб, хайвон тишлари сочилиб кетди. Бунни кўрган Хусан дархол уларни ердан териб олиб қалгимга тутди ва ҳалиги йигитга бақира кетди. Уларнинг оғзаки "жанги"дан Хусаннинг "у яхши одам" деганини тушундим ҳолос. Шу лаҳза оралиғига тушиб, Хусанни қўлдан тортиб, четга етақлаб кетдим. Акс ҳолда ҳолат муштлашувга келиб қолганди.

Эй танграм, шу банданг нега мандан норози, ўзинг қалбига яхшилик, ишонч нурини сол, дея пичирлаганимча илтижо қилардим.

Қорним ўлгудек оч. Хусанга бунни билдирдим. Англашимча, ҳозир ўлжанинг терисини шилиб, ичини тозалашади ва олов ёқиб бир

қисмини тоблаб пиширишади. Тўғиз гўштини асло оғзимга олмайман. Энг яхшиси - балиқ!

Хусан бу истагимга хайрон қолди. - Ақунар (тўғиз) ширин, ақунар ширин, - деди оғзининг суви оқиб. - Йўқ, Ҳасан балиқ ейди, - дедим бу гал кескинроқ оҳангда.

Хусан елка қисди-ю, чодирдан найзасини олиб, дарё бўйига кетди.

Хайрият, тўрт-бешта шалалоқ балиқ тутибди. Уни синчалокдан озғинроқ ёғочга ўтқазиб, бир оз туз сепгач, олов атрофига тикладим. Ҳа-ҳа, тикладим. Тўрт-беш кундаёқ мен қабила аъзоларидек ҳаёт тарзига ўрганиб қолибман. Борди-ю, шу оролда ярим йил қолиб кетсам, маданий дунё нақ бир фўқаросидан айрилиш ҳеч гап эмас. Балиқини икки бор оловга тобладим, сели оқа бошлагач, ажойиб, иштаха очадиган ис таратди. Қарасам, қўлида эмизикли чақалоғини кўтарган ёш аёл менга кулиб, тикилиб турибди.

Бурнидаги ҳалқаси ҳам ўзига ярашган. Эмаётган болакай иккинчи қўли билан онанинг иккинчи "кўкраги"ни мижиғлаб олган. Нафси оч экан, ўйладим мен. Балиқлардан бирини чўпи билан аёлга тутдим. Хиёл нарида яна уч-тўрт аёл мендан кўз узмай турган экан, ҳаракатимни кўриб, "лв-лв-лв" лаб юборишди. Болали аёл қувониб кетди.

Билмадим, балиқдан иллинганим учунми ёки дугоналарни қутлаганимгами... Шундай бўлса-да, қўлимдан балиқни олди-ю, қатордаги чодирларнинг бирига югурганча қириб кетди. Мен эса... галвага қолдим. Ҳалиги "лв-лв" лаганлар қураб олиб, менга қўлларини чўзишар эди. Бор-йўғи учта балиқ қолган. Уларга берсам, ўзим... Шунда Хусан келиб қолди ва бир бақириб берди. Ўзим ҳам чўчи кетдим. Аёллар чуғуллаганича тарқалдилар. Мен ўзимга қолган насибамни олди-му, чодиримга чопдим.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

Жума сабоқлари

Ислом дини инсоннинг тўғри йўлдан адашиб кетмаслиги учун ҳар бир ишда ўз кўрсатмаларини бериб борган. Шу жумладан, ота-она ҳақларини фарзандлар зиммасига юклаб, уларга доимо журматда бўлишга буюради.

ФАРЗАНДНИНГ ОТА-ОНА ОЛДИДАГИ БУРЧЛАРИ

Қуръони каримнинг 20 дан ортиқ ояти каримаси ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг розилиklarини топишга амр этади. Ота-онага зинҳор озор бермаслик ва уларнинг сўзлари-ю, феълларини ҳеч бир малол олмасликка буюради.

Аллоҳ таоло: "Роббинг фақат Унинг ўзинигина ибодат қилишини ва ота-онага яхшилик қилишни амр этади. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга "уф" дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!" деган (Исро сураси, 23-оят).

Аллоҳнинг ибодатини кейинги келадиган иш ота-онага яхшилик қилишдир. Бу ҳам Аллоҳнинг амри. Аллоҳ таоло ўзига ибодат қилишга қақирган амрдан кейинроқ ота-онага яхшилик қилишни таъкидламоқда. Бу ҳол, ўз навабатида, Исломда ота-онанинг ҳаққи қанчалик улғў эканини кўрсатади.

Юқоридаги жумланинг "уф" сўзига боғлиқ икки хил маъноси бор. Бир маъноси - ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилма, дегани бўлса, иккинчи маъноси - ота-онанинг олдида "уф"

дема, улар болам оғир ҳолга тушибди, деб озорланадилар, дегани. Ота-она доимо боласининг ҳаққига дуо қилиб туради. Ҳадиси шарифда: "Ота-онанинг боласига қилган дуоси пайғамбарларнинг умматларига қилган дуосига ўхшагандир" дейилган. Боладан беодоблик, ахлоққа хилоф ишлар ўтса, ота-она вазиинлик билан тушунтириши лозим бўлади. Чунки, ўсиб бораётган авлодда шундай ҳолат бўлиши мумкинлигини унутмаслик, болани ҳеч қачон қарғамаслик керак.

Расулуллоҳ (с.а.в) марҳамат қилдилар: "Ота-онаси рози бўлмаган ҳолда ўлиб кетган бирон бир киши йўқ. Магар шундай одам бўлса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг жонини иймонсиз ҳолда чиқаради ва ўша банда қабрдан чиқолмайди, магар қийналиб чиқади ва "...бу - ота-онасига оқ бўлган кишининг жаъзоси" деган ёзув унинг юзига ёзилган ҳолда чиқарилади" дедилар. Бинобарин, фақат қиёмат куни эмас, балки ўша кунгача ҳам қабрда азоб-уқубатда бўлади, дейилган.

Ислом дини фарзанд зиммасида ота-онанинг унта ҳаққи борлигини белгиллаган. Булар: - муҳтож бўлиб қолса, таом бериш; - агар хизматга муҳтож бўлиб қолса, хизматини қилиш; - ота-она қақирса, зумда жавоб бе-

риш; - гуноҳ бўлмайдиган ишга буюрса, дарҳол бўйин эгиб бажариш; - мулоим сўзлар билан гапириш; - агар қийим кийишга муҳтож бўлиб қолса, қийим олиб кийдириш (шунга қодир бўлса); - йўлда ёки бошқа жойларда орқасидан юриш; - ўзига раво кўрган нарсани уларга ҳам раво кўриш; - ўзига ёмон кўрган нарсани уларга ҳам ёмон кўриш; - ўзининг ҳаққига дуо қилганда, улар учун ҳам дуо қилиб қўйиш. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в) айтдиларки: "Қимки ота-онасини зиёрати учун йўлга тушиб юрса, Аллоҳ таоло ҳар бир босган қадами учун ўша кишига юзта савоб беради ва ўша кишидан юзта гуноҳ ўчирилади ва ўша кишини қиёмат куни жаннатда юзта даражага кўтарди. Ва ота-онасининг олдига бориб, улар билан ўтириб, чиройли, ширин, сўзларни гапириб сўзлашса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида ўша кишига бир нур беради. Шу нур ўша кишига йўл кўрсатиб, унинг олдида юради. Агар иккаласини зиёрат қилиб, ҳузурдан қиқса, гуноҳларидан кечирилган ҳолда чиқади". Яъни фарзанд ота-онанидан бошқа жойда яшаса, агар ота-онасини тез-тез зиёрат қилиш учун келиб турса, мана шу ҳадисга мувофиқ иш бажарган ва олий нур эгаси бўлган бўлади.

Исломжон МАМАЖОНОВ, Риштон туманидаги "Зоҳидон" масжиди имом ноиб.

Дунё хабарлари

Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари иноагентлар тўғрисида қонун лойиҳаси сабабли Грузияга нисбатан чеклов чораларини кўриш зарурлигини айтмоқда.

Таклиф қилинган чоралар қаторига Грузия фуқаролари учун ЕИга визасиз кириш тартибини бекор қилиш, мақсадли санкциялар ва Евронтифҳо фондарини музлатиб қўйиш киритилган.

"Европа мамлакатлари Грузия ҳукуматига босим ўтказишининг турли чораларини кўриб чиқмоқда", дейилди хабарда.

Вьетнам Социалистик Республикаси Миллий мажлиси (бир палатали парламент) мамлакат Коммунистик партияси марказий қўмитаси сўёсий

ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ УЙ-ЖОЙ БЎЛИМИ

Фарғона шаҳар, Озодлик кўчаси, 1-в" уй, 14-хона-донни таъмирлаш учун Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган қурилиш ташкилотларини ички тендер-га таклиф қилади.

Манзил: Фарғона шаҳар, Нурафшон кўчаси, 15-уй, 5-қават. Телефон: (73) 243-91-58.

JISMONIY TARBIYA VA SPORT BO'YICHA MUTAXASSISLARNI QAYTA TAYYORLASH VA MALAKASINI OSHIRISH INSTITUTI FARG'ONA FILIALI KAFEDRALARIGA QUYIDAGI BO'SH ISH O'RINLARIGA TANLOV E'NLON QILINADI:

- O'qituvchi (yengil atletika sport turlarini o'qitish metodikasi modulidan). Tanlovda ishtirok etish uchun: - filial direktori nomiga ariza; - pasport nusxasi; - kadrlarni qayd qilish shaxsiy varaqasi; - oliy ma'lumoti haqidagi diplom nusxasi.

Eslatma: tanlovda ishtirok etish uchun arizalar e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy davomida qabul qilinadi.

Manzil: Farg'ona shahar, Iste'dod ko'chasi, 3-"a" uy.

Telefon: 73 243-07-66.

E-mail: Sporteduff.uz

Фарғона шаҳар, "Тулистон" МФЙ, Бибиномин кўчаси, 21-уйда жойлашган "New waves store" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади

КАФЕДРА ДОЦЕНТИ ЛАВОЗИМИГА:

- "Физика ва астрономия" кафедраси.
- "Тарих" кафедраси.
- "Биология" кафедраси.
- "Музыка таълими" кафедраси.
- "Кимё" кафедраси.
- "Факультетлараро педагогика ва психология" кафедраси.
- "Мақтабгача таълим назарияси ва методикаси" кафедраси.
- "Технологик таълим" кафедраси.
- "Математика" кафедраси.
- "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" кафедраси.

КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА:

- "Информатика" кафедраси.
- "Физика ва астрономия" кафедраси.
- "Бошланғич таълим методикаси" кафедраси.
- "Кимё" кафедраси.
- "Амалий психология" кафедраси.
- "Мақтабгача ва бошланғич таълимда инглиз тили" кафедраси.

КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ ЛАВОЗИМИГА:

- "Спорт ва ҳаракатли ўйинлар" кафедраси.
- "Факультетлараро тиллар" кафедраси.
- "Информатика" кафедраси.
- "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" кафедраси.
- "Амалий психология" кафедраси.

СТАЖЁР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМИГА:

- "География ва иктисодий билим асослари" кафедраси.

Танловга ҳужжатлар қабул қилиш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. **Мурожаат учун манзилгоҳимиз:** Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уй. Ректорат биноси, 6-хона

Кенгаш котиби: Х. Раҳмонов. **Телефон:** (+99891) 684-49-73.

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 7 июнь, жума куни чиқади.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririya	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2350 нусхада chop этилди. Буюртма: 303.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади.	★ Баҳоиси келишилган нарҳда. ★ Навбатчи муҳаррир: Абдужалил Бобожонов.	Саҳифаловчи: Достонбек Холматов. Босишга топшириш вақти: 18.00. Топшириш вақти: 15.00.